НОДИР ВАРАҚЛАРДАГИ ГЎЗАЛЛИК — 2-бет

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙНИНГ БУГУНГИ КУНИ  — 3-бет

ТАБИАТ — БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ  — 4-5-бетлар

БЕТАКРОР ВА МАФТУНКОР ШАҲАР — 7-бет


ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 244 (10.047) / 2003 ЙИЛ 22 ДЕКАБРЬ


## ҚАРДОШЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

***Хабар қилинганидек, 19 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дўрмон» қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Режеп Эрдоган шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазири фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.***



Шундан сўнг Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар, томонларни қизиқтирган бошқа халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувлар якунида уюштирилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, икки мамлакат ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларида ҳамфикр, муҳокама этилган халқаро муаммолар борасида қарашлари ўхшаш ёки яқин.

Ташрифнинг ўзидан кўзланган мақсад эса ҳамкорликни янги поғонага кўтаришдан иборат. Бунинг учун барча асослар етарли. Икки мамлакат ўртасида муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бу асос Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар, терроршилик ва гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият каби соҳаларни қамрайдиган жами етмишдан зиёд ҳужжатдан иборат.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2009-2010 йиллардаги нодоимий аъзолигига Туркиянинг номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ушбу мамлакатнинг расмий мурожаатини кўриб чиқмоқда. Ўзбекистон 2003 йили Руанда бўйича Халқаро трибунал, ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгаши ва Жаҳон мероси қўмитаси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашига бўлган сайловларда Туркияни ёқлади. Туркия Халқаро коммуникацияни ривожлантириш бўйича дастурнинг Ҳукуматлараро кенгаши аъзолигига Ўзбекистон номзодини қўллаб-қувватлади.

Икки мамлакат ЕХҲТ, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Туркиянинг Тошкентдаги элчихонасига 2002 йилнинг августидан 2004 йилнинг июлига қадар НАТОнинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ваколатхонаси вазифасини бажариш топширилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар билан мувофиқлаштирилади. Икки мамлакат ўртасида божхона тўловлари бўйича мумкин қадар қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2002 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 200 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўн ойида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдаги айни даврга нисбатан 41,3 фоиз ошди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалий ҳамкорлик кенгаши тузилган.

Айни пайтда умумий қиймати салкам 1 миллиард долларлик 16 лойиҳа биргаликда амалга оширилмоқда. Бу кредитларнинг ярмини Туркия Эксимбанки берган. Музокарада Режеп Эрдоган Туркия ҳукумати мазкур банкнинг Ўзбекистон лойиҳаларидаги иштирокини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиришини таъкидлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 244 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 39 турк компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилган.

1995 йилдан мамлакатимизда Туркия Бош вазири котибияти ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистон ва Туркия тадбиркорлари иттифоқининг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар икки томонлама ҳамкорликнинг иқтисодий, техникавий, ижтимоий, маданий ва маърифий дастурларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, фан-техника, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда.

Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг мулоқоти икки мамлакат делегацияларининг музокарасида янада кенг кўламда давом этди. Томонлар муносабатларнинг бугунги босқичини таҳлил этар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплигини таъкидлади. Туркия томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни мамнуният билан кузатиб келаётганини билдириб, жумладан, миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияси йўлга қўйилгани ишбилармонлар ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Иш одамларининг борди-келдиси ва транспорт қатновини ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Келаси йил Туркияда ҳукумат вакилларининг транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

Давоми 2-бетда.

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон—Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленумида гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.**
- **Куролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамкорлигида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги ва ғоявий тарбиясига бағишланган республика илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**
- **Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича халқаро агентлиги «Экосан» халқаро жамғармасига Оролбўйи болаларига мўлжалланган мурувват ёрдамини топширди.**
- **Бўз туманидаги Бобур номидаги ширкат хўжалигида қишлоқ шифокорлик пункти очилди. Бу Бўз туманида кейинги 3 йилда қурилган 13-қишлоқ врачлик пункти ҳисобланади.**
- **«Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастурининг техник мутахассислари Қашқадарё вилоятидаги 6 та таълим масканларига компьютерлар ўрнатди.**
- **Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясида «Немис овози» телерадиотармоғи узатгичлари ўрнатилди.**

### Жаҳонда

- **Россия Президенти Владимир Путин президентлик учун бўладиган сайловда иккинчи муддатга ҳам номзодини қўйишга қарор қилди.**
- **Кеча Бошқирдистонда президент сайловлари, Сахалинда эса губернатор сайловлари бўлиб ўтди.**
- **Япония Шимолий Корея томонидан юз бериши мумкин бўлган ракета ҳужумини қайтариш мақсадида ракетага қарши мудофаа миллий тизимини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.**
- **Кўпчилик йирик ғарб инвесторлари, жумладан, Жорж Сорос ва Уоррен Баффетлар Америка валютаси курсининг янгитдан пасайиши муносабати билан жаҳон валюта бозорининг доллар секторидан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.**
- **Япония ғарбида кучли ва қалин қор ёғди. Ундан айниқса Осака ва Нагоя шаҳарлари кўпроқ жабрланди. Японияда бундай қалин қорнинг ёғиши ярим асрдан буён илк бор рўй берди.**
- **Эронда кураш бўйича бўлиб ўтган III Осиё чемпионатида ҳамшаҳримиз Абдулла Тангриев ўз вазн тоифасида чемпион бўлди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

- **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари ва саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш доимий комиссияларининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- **МУДОФААГА** кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг Пленуми ўтказилди.
- **ШАҲРИМИЗ** бозорларида вилоятлардан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Яқинлашиб келаётган Янги йил муносабати билан уюштирилган ушбу ярмарка 31 декабргача давом этади.
- **ЮНУСОБОД** туманидаги 86-мактабда ўтказилган саводхонлик байрамида 1-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.
- **«ЖАР»** спорт-соғломлаштириш мажмуида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорликларида «Оила — муқаддас Ватан» номли ёш оила қурувчилар мактаби тингловчиларига мазкур мактабни тугатганликлари муносабати билан сертификатлар, Фахрий ёрлиқлар топшириш маросими ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Санъат*

## АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Бундан тўрт йил илгари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри яхши ташаббус билан чиққан эди. Санъат кошонаси саъй-ҳаракати билан ўтказилган «Ўқувчи ва мусиқа» мавзуидаги учрашув кечаси анъанага айланиб қолди.**

Ўшанда театр саҳнасида намойиш қилинган «Сеҳрли флейта» операси ўқувчиларда яхши таассурот қолдирган эди. Яқинда театрда уюштирилган мусиқали учрашув кечаси ўша маданий тадбирнинг давоми бўлди.

Бу сафар ҳам ёш меҳмонлар санъат кошонаси актёрлари билан суҳбат қурдилар. Композитор Моцартнинг «Фигаронинг уйланиши» операси ҳам кўрсатилди.

## КАПЕЛЛАНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

**Ўзбекистон Давлат хор капелласи концерт репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда. Ўзбек бастакорларининг хор асарларидан тузилган мусиқали дастур ҳам тингловчиларга манзур бўлди.**

Ижодий жамоа Европа мусиқа санъати намуналари асосида янги концерт томошасини тайёрлади. Немис композиторлари ижод намуналаридан ташкил топган бу дастур яқинда муваффақиятли ижро этилди.

Машҳур немис композиторлари билан бир қаторда ёш ижодкорлар тароналари ҳам хор жамоаси томонидан маҳорат билан куйланди. Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежида ҳам бу дастур намойиш қилинади.

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

**Успенский номидаги республика болалар мусиқа мактабининг бир гуруҳ истеъдодли ўқувчилари Грецияда бўлиб қайтишди.**

Бу қадимий мамлакатда ёш пианиночиларнинг навбатдаги IX халқаро танловида иштирок этган ёш мусиқачиларимизнинг чиқишлари ижодий кўрикда яхши баҳоланди.

Нодира Дадамуҳамедова, Стасик Шведчиков ва Зуҳра Абдурашидовалар Бетховен, Шопен, Бах каби композиторларнинг фортепьяно учун ёзган асарларидан парчаларни маҳорат билан ижро этиб, халқаро танловнинг совриндорлари бўлишди.

**Акбар АЛИЕВ**

# УМРБОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**Ўзбекистон маҳаллаларининг ҳаёти, унда олиб борилаётган ободончилик ишлари, маҳалладошларнинг бир-бирларига меҳр-мурувватини ифодаловчи суратлар НАТО қароргоҳида ўтказиладиган кўргазмада илк маротаба намойиш этилди**

Маҳалла мамлакатимиздаги ҳар бир инсоннинг маънавий оламини, унинг ички дунёсини шакллантирадиган, одамга гўдакликдан бошлаб ахлоқ-одоб, инсофдиёнат, ҳалоллик, маърифат сабоғини бериб, инсонийликни ўргатадиган ошён экани барчага маълум. Республика "Маънавият ва маърифат" марказида "Уч буюк қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат" мавзуида ўтказилган очиқ мулоқот шу масалага бағишланди. Тадбирда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова вазирлик, ташкилот, идора ва жамғармалар раҳбарлари, ёзувчи ва олимлар иштирок этдилар.

— Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келган умуминсоний миллий қадриятларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан биридир, — деди «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Куддуз Аъзамов.

— Ғарбнинг умум демократик ғояларини камситмаган ҳолда ёшларимизни четдан кириб келаётган фаҳш ва жангари нашр, адабиёт ва фильмлардан муҳофаза қилишимиз керак. Уларнинг тафаккурини қадриятларимизга ёт бўлган ғоя ва оқимлардан асраш, маънавиятини янада бойитиш, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларимиз бой меросига ошно этишимиз лозим.

Тадбирда ёшларимизнинг маънавий олами, ахлоқ-одоби, кийиниш маданияти хусусида сўз борди. Бу борада оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни муҳимлиги таъкидланди. Баъзи ёшларимизнинг миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайдиган юриш-туриши, ғарб маданиятига кўр-кўрона эргашиши хавотирли ҳолдир. Шунингдек, халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган ўзаро меҳр-оқибат, шарқона ва ислоимий маънавиятнинг инсонпарварлик фазилатларини ёшларимиз онгига чуқур сингдириш бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланади.





# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

**Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Бугунги кун ёшлари замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган жаҳон андозаларига хос илм масканларида таълим олмоқда. Натижалар ҳам қувонарли. Улар бутун дунёнинг турли жойларидаги нуфузли илмгоҳларда ўз кучлари билан ўқишга қабул қилинмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари ёшлари билан бир қаторда таълим олаётган ёшларни етиштириб чиқариш эса юртимиз таълим тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.**

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бундан етти йил олдин атиги юз ўқувчи билан ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети қошидаги А.Икромов номидаги лицей бугун ҳар қандай илм маскани билан беллашадиган замонавий масканга айланди.

— 1999 йил лицейимиз академик лицей мақомини олди,— дейди академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди Жуманазар Ҳасанов. — Бугунги кунда бу ерда 900 ўқувчи таълим олмоқда. Академик лицей асосан хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган. Айни пайтда тўртта кафедра мавжуд. Булар чет тиллар, тарих, она тили ва гуманитар фанлар кафедраларидан иборат. Хорижий тиллардан немис, инглиз, испан, француз тиллари чуқур ўргатилмоқда. Илм масканини шу пайтгача 700 га яқин ўқувчи битирди. Қувонарлиси буларнинг 98 фоизи олий ўқув юртларининг талабаси бўлди.

Фан хоналари деярли барчаси техник жиҳозлар билан таъминланган. Иккита лингафон, иккита компьютер хоналари ўқувчиларнинг барча талабларига жавоб беради. Академик лицей раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан йигирма минг китоб фондига эга бўлган тўлиқ чет эл адабиётларидан ташкил этилган китоблар ўқувчилар ихтиёрида.

Лицейда спорт машғулотларини ўтказиш учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда ўқувчилар спортнинг 13 тури билан шуғулланиш имкониятига эга. Спорт зали, волейбол, баскетбол, теннис корти, мини футбол майдонлари шулар жумласидандир.

Тартиб интизоми яхши, фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирган ўқувчилар учун имтиёзлар яратилган. Жумладан бундай натижаларни қўлга киритган ўқувчи уч йиллик ўқув муддатини икки йилда битириш имкониятига эга.

**Лутфулло СУВОНОВ, журналист.**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон жаҳон тиллари университети қошидаги А.Икромов номидаги академик лицейнинг умумий кўриниши.**

**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.**

## ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

**Миср Араб Республикаси элчихонасининг Тошкентдаги Фан ва таълим марказида кутубхона очилди.**

Маълумки, Мисрда кўпгина соҳалар каби кутубхоначилик тизими ҳам юксак даражада такомиллашган. Зеро, дунёнинг энг бой ва қадимий кутубхоналаридан бири Искандария кутубхонаси ҳам айнан Мисрда жойлашган.

Мазкур кутубхонанинг мамлакатимизда очилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай зиё масканлари мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқалар кўламини кенгайтирибгина қолмай, халқларнинг бирбирлари билан янада яқинлашувига имкон яратади.

Кутубхонада бадиий адабиётлар, шунингдек барча соҳаларга оид ўқув қўлланмалари мавжуд. Араб тилини ўрганувчилар, илмий тадқиқотчилар, талабалар, умуман Миср ҳаёти билан қизиқувчилар кутубхонага келиб, китоблардан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Элчихона вакилларининг айтишларича, беш мингга яқин адабиёт мавжуд бўлган кутубхона жамғармаси мунтазам бойитиб борилади. Шунингдек бу ерда ўқувчилар Миср матбуоти билан ҳам яқиндан танишиб олишлари мумкин. Кутубхона компьютерлари эса тез кунда интернет тармоғига уланади.

**"Туркистон-пресс"**

# ТАРИХСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти билан ҳамкорликда академик Яҳё Ғуломов номидаги "Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи" республика илмий семинарининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

Айтиш керакки, мазкур олий ўқув юртида келажакда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган, давлатимиз ташқи сиёсатини юритадиган бўлғуси дипломатлар таҳсил олишмоқда. Шубҳасиз, улар хорижий давлатлар билан бир қаторда ватанимиз тарихини ҳам чуқур ўрганишлари керак.

Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тарих институтининг олтмиш йиллиги муносабати билан ташкил этилган навбатдаги йиғилишда узлуксиз таълим тизимида тарих фанининг тутган ўрни, олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек тадбир иштирокчиларига мазкур университетда тарих фанини ўқитиш масалаларини қамраб олган маъруза матни ҳам ҳавола этилди.

Бугун юртимиз ва хорижий давлатларда рўй бераётган ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисалар тарихда муҳрланиб қолади. Уларни холис ўрганиш, тўғри тадқиқ қилиш эса тарихчи олимлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ушбу семинар айнан шу йўналишда юзага келадиган айрим муаммоларга аниқлик киритиш, айрим мунозарали мавзуларда аниқ тўхтамга келиш имконини яратади.

**«Туркистон-пресс»**

## ЮКСАК ИШОНЧ

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ғафур Абдураҳмонов моҳир рассом сифатида мухлисларга яхши танилиб қолди. Унинг ижодий намуналари асосида кўргазмалар ташкил этилди.**

Санъаткор ана шу изланишлар асосида олий ўқув юртлари учун бадиий таълим бўйича ўқув адабиётларини ҳам яратди.

Устоз мураббийнинг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидаги педагогик фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Шуларни инобатга олиб олий ўқув юрти илмий кенгаши тажрибали рассом-педагогга университет профессори даражасини беришга қарор қилди.

**Анвар АЛИБОЕВ**

**Она табиат. Нақадар гўзал ва буюк. Таърифлашга сўз ожиз. Коинотга бир қаранг, чексиз осмон, юмшоқ парқу булутлар, кундузи заррин нурларини аямай сочаётган бобо қуёш, кечалари йўлимизни ёритувчи тўлин ой, милтираб унга ҳамроҳ бўлган юлдузлар, сир-синоатга тўла сайёралар... Қани, уларни таърифлаб кўринг-чи?**

*Мулоҳаза*

## ЕР УЗРА ҚЎШ КАПТАР ҚИЛАДИ ПАРВОЗ

Она еримизчи? Унинг осмонўпар тоғлари, ям-яшил яйловлари, серҳосил дала-ю боғлари, чексиз денгиз-у, уммонлари, тошлар орасидан ёриб чиққан булоқлари-ю тоғлар оша дарёларга қуйилаётган жилғалари, тоғлардаги ўрмонлар, яйловдаги қўй-қўзилар, боғлардаги мевалар, денгиз ва уммонлардаги наҳанг балиқлар, ўрмон ҳайвонлари... Қани, уларни таърифлаб кўринг-чи?

Бир йилга жам бўлган зумрад баҳор, иссиқ ёз, олтин кузу кумуш қиш, бир кунда алмашадиган кеча-кундуз, иссиқ-совуқ, қору ёмғир, жала-ю дўлга эга бўлган об-ҳавосиз она табиатни тасаввур эта оласизми?

Табиатнинг бир бўлаги бўлмиш инсонни-чи? Ҳазрати инсон. Яъни сиз-у бизнинг таърифимиз борми? Табиат бутун борлиқнинг — майда ҳашаротлардан тортиб баҳайбат ҳайвонларгача, ер юзидаги ўсимликлар ва тоғу тошларнинг эгаси деб биз инсонларни танлади.

Инсон онги ўса боргани сайин Ер юзида ҳукмронлигини намойиш қила борди. У осмонга учди, ойни қучди, уммонда сузди, денгиз тубини ишғол этди.

Яшаш учун ейиш керак, деди. Ерга уруғ сочди. Ер уни тўйғазди. Яшаш учун кийиш керак, деди. Ерга боқди, Ер каноп, пахта бериб уни кийинтирди. Лекин биз инсонлар-чи? Табиат инъомларидан тўғри фойдалана олмадик. Бизнинг палапартишликларимиз туфайли Ернинг таркиби, иқлим ўзгарди. Бунинг оқибатида тўфонлар, бўронлар, сув тошқинлари кўпайди. Энди нима қилмоқ керак? Табиатдаги бу ҳалокатли ўзгаришларнинг олдини олиш мумкинми? Мумкин. Ҳали ҳам кеч эмас. Бунинг учун табиатга бўлган муносабатимизни яхши томонга ўзгартиришимиз керак. Ундан оқилона фойдаланишимиз лозим. Энг муҳими, ёшларни она-табиатнинг жонкуярлари, унинг қўриқчилари қилиб тарбиялашимиз керак. Бу хусусда ўз фикр ва мулоҳазаларимни ўзим тарбиячи бўлиб ишлаётган боғча мисолида айтсам ўринли бўлади деб ўйлайман.

15 йилдирки болажонларга она-Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат, меҳр-оқибат каби фазилатлар қатори она-табиатни асраш ва авайлаш ҳақида ҳам ўгитлар бериб келаман. Боғчамизда «Қишки боғимиз» бор. Бу боғни яратиш ғояси марҳума мудирамиз Гулчеҳра опамизга тегишли. Ўшанда биз тарбиячилар у киши билан биргаликда ажратилган жойни тошлардан, хас-хашаклардан тозалаб, соғ тупроқ солиб, минераль ва маданий ўғитлар билан тўйинтириб боғ учун жой ҳозирлагандик. Йиллар бўйи дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ўсимликлар билан боғни бойитдик. Тарбиячиларимиз бир ҳафта-бир ҳафтадан боғда навбатчилик қилишади. Ҳар куни эрталаб боғ супурилади, ўтлардан тозаланади, қуриган барглардан халос қилинади, суғорилади. Қисқаси, боғ болажонлар сайр қилиши ва машғулот ўтиши учун доимо тайёр ҳолда туради.

Ёпиқ сув ҳавзамиз ҳам бор. Унда болажонларимиз қишин-ёзин чўмиладилар, сувнинг хусусиятлари, инсон саломатлиги учун ҳаво ва қуёш каби унинг ҳам аҳамияти катталиги ҳақида билим оладилар. Боғчамиз ҳовлисида кичик ҳайвонот боғимиз бор. У ерда ўрдак ва ғозлар, тошбақа ва қуёнлар яшайди. Кичик кўлда сузаётган ўрдакчаларни кўриб болажонларнинг завқланишини бир кўрсангиз эди. Ўшанда сиз ҳам бир зум бу дунё ташвишлари, тирикчилик югур-югурларини унутасиз.

Яқинда, аниқроғи куз кунларининг бирида Тошкент қўғирчоқ театри биносида тарбиячилар ўртасида шаҳар миқёсидаги «Она-табиатни асрайлик!» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган бу кўрик-танлов иштирокчилари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Унда 1-ўрин менга насиб этди. Албатта бунда Чилонзор туманидаги барча боғчаларнинг улуши бор деб ўйлайман. Чунки туманимиз халқ таълими бўлими мактабгача тарбия бўлими мудираси Лайло Абдукаримова бошчилигидаги саъй-ҳаракатимиз бизни ғолиблик даражасига олиб чиқди. Тошкент шаҳар Экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бошлаган бу иши маданий ва маънавий камолотимиз ўсишига олиб борувчи дадил қадам бўлди. Тарбиячилар бир-бирлари билан тажриба алмашдилар, болажонлар билан олиб борадиган ишларига янгиликлар киритадиган бўлдилар.

Нокамтарлик бўлмаса қуйидаги шеърни шу танлов учун ёзган эдим, уни сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

—Зуҳро юлдузиман, ҳув ўша юлдуз
Тунлари нур сочиб йўлим ёритган.
Мен ўша юлдузман, ошиқ йигитнинг
Қўллари гоҳ етиб, гоҳи етмаган.
Коинот бир қаранг, чексиздир, чексиз.
Унда милтирайди минг битта юлдуз.
Атрофимда гирён ўнлаб сайёра
Дунё дунё бўптики, кезар овора.
Менинг ишқим эса Ерга тушгандир
Чунки унда бордир ҳаётдан нишон.
Чунки гиёҳ бордир, чунки бор уммон.
Чунки унда яшар Ҳазрати инсон.
Ер узра қўш каптар қилади парвоз.
Булбул атиргулга дилин айлар роз.
Севгидан куйлайди ҳамма жўровоз.
Ер ҳам кўкка қараб қилади парвоз.
Ернинг асл пардози ҳазрати инсон
Ерда ҳар нарсага ҳоким, ҳукмрон.
Мавжудотлар ичида энг онглиси у
Гоҳ нодон, гоҳ доно, ақллиси у.
Гар шундай эканки, кўзинг оч, инсон!
Она ернинг дардига бир бор қулоқ сол.
Авлодлар учун-да асраб қол уни,
Асраб қол, асраб қол, ерни асраб қол!

**Ноилахон ТЎРАХЎЖАЕВА,**
**Чилонзор туманидаги 24-болалар боғчаси тарбиячиси, «Она-табиатни асрайлик» кўрик-танлови ғолиби.**

*Маслаҳатлар*

## ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ

**Боғ ва томорқа полизларидаги зараркунандаларни йўқотиш учун турли кимёвий дорилардан ташқари узоқ йиллар давомида халқ амалиётида қўлланиб келинаётган қуйидаги дамлама ва қайнатмалардан фойдаланиш мумкин.**

● Пиёз пўстидан тайёрланган дамлама ўсимликлардаги сўрувчи зараркунандаларга қарши пуркалади. Бунда пақирга яримлатиб пиёз пўсти солинади, устига 10 литр қайноқ сув қуйиб дамланади. Уни ишлатиш олдидан сузиб олиб, яна икки баробар миқдорида сув қўшилади.

● Аччиқ ва қизил қалампир дамламаси карам куяси ва тунламига қарши ишлатилади. 10 литр сувга 100 грамм гаримдори солиб, икки соат дамланади.

● Откулоқ дамламаси. Откулоқ илдизи майдаланиб, 10 литр сувга 300 грамм солинади ва уч соат дамланади, сўнгра бит ҳамда каналар билан зарарланган ўсимликларга ишлатилади.

● Қариқиз дамламаси. Карам, редиска ва бошқа сабзавот экинларининг барги кемирувчи қуртларга қарши ишлатилади. Челакнинг учдан бир қисмига қариқизнинг майдаланган барглари солиниб, устига сув тўлдирилади. Уч сутка дамлангач, аралашма сузиб олиниб, яна сув қўшилади ва ўсимликларга пуркалади.

● Тамаки дамламаси. Сўрувчи зараркунандаларни йўқотиш учун қўлланилади. Бир килограмм тамаки чиқитига 10 литр қайноқ сув солиб, бир сутка дамлаб қўйилади, сўнгра сузиб олинади. Уни пуркаш олдидан ўзидан 2-2,5 баравар кўп сув солинади ва унга 40 грамм совун қўшилади.

● Бангидевона дамламаси. Каналарга қарши ишлатилади. Дамлама қуйидагича тайёрланади: ўсимлик барглари, гуллари, шоналари олиниб, қуритилади, майдалаб туриб сувга аралаштирилади (10 литр сувга бир килограмм қуруқ ўт) ва 12 соат дамлаб қўйилади. Ишлатиш олдидан сузиб олинади, унга 40 грамм совун қўшиб яхшилаб аралаштирилади.

● Бўймадарон барглари, пояси ва гуллари қайнатмаси. Бу сабзавот ва полиз экинларининг сўрувчи, барг кемирувчи зараркунандаларига қарши яхши воситадир. Қайнатма тайёрлаш учун гуллаб турган ўсимликдан 2,5 килограмм олиб майда тўғралади ва 10 литр сувга солиб, паст оловда ярим соат қайнатилади. Совугач сузиб олинади ва унга 20 грамм кир совун қўшилади. Ишлатиш олдидан яхшилаб аралаштириш керак.

● Тамаки, саримсоқ ва пиёз пўстидан тайёрланган қайнатма барча турдаги майда зараркунандаларга қарши ишлатилади. У қуйидагича тайёрланади: 200 грамм тамаки, 200 грамм майдаланган саримсоқ ва пиёз пўсти олиниб, 2 соат қайнатилади. Сўнгра уни совутиб, 10 литр сув ҳамда 80 грамм совун қўшилади.

● Помидор палаги қайнатмаси сўрувчи зараркунандаларга, карам оқ капалаги қуртларига, куя ҳамда бургаларга қарши таъсир қилади, 4 килограмм майда қирқилган помидор палагини 10 литр сувга солиб, паст оловда ярим соат қайнатилади. Совугач ҳар 2-3 литр қайнатма ҳисобига 10 литрдан сув ва 30 грамм кир совун қўшилади.

*Она ер мўъжизалари*

## РАНГ КЎР — ҲОЛ СЎР

**Денгиз, дарё, кўл ва қудуқлар катта-кичиклигига, сувининг рангига, шўрлиги, тозалиги, чуқурлигига қараб турлича номланган. Суви тиниқ ва тоза бўлса — Ойнакўл, Ойнабулоқ, чуқур ва тиниқ бўлса — Кўксув, қордан бошланган сувлар — Оқсув, лойқароғи — Айронкўл, Сарисув дейилган. Хитойдаги Хуанхэ — «Сарғишдарё» дегани.**

Чуқур ва шўх дарёлар қизил сўзи билан ифодаланган. Масалан, Сурхоб дарёси Амударёнинг ирмоғи бўлиб, Тожикистоннинг жанубидан оқиб ўтади. Тожикча сурх — «қизил», об — «сув» дегани. Маҳаллий қирғиз ва ўзбек аҳолиси бу дарёнинг бош қисмини Қизилсув деб юритади. Колорадо дарёси эса АҚШда жойлашган. Испанча «қизил» сўзидан олинган бўлиб, суви лойқа, жигарранг тусда ва тез оқиши билан бошқа дарёлардан фар[illegible]анади.

Қорасув — «булоқ су[illegible] — текис ерда секин оқади. Шох-шаб[illegible], хашак оқиб кетаётган сув ҳам қорасув дейилади.

Фарғонадаги дайди сувни Тентаксой деганлар. Сурхондарёда Жиннидарё ҳам бор, у баҳорда буриқираб оқиб, тошиб кетади, қирғоқларни ўпиради, ёзда эса суви қуриб қолади.

Иссиққўлнинг суви музламайди. Сассиқ кўл, Аччиқ кўл, Шўрқудуқ, Шўрбулоқ — сувининг таъми туфайли шундай аталган.

Кориздан чиққан сув — Қоризқудуқ, муз тузи бўлса — Музкўл, биқиллаб фаворасимон отилиб турган сув эса Қайнарбулоқ дейилади. Қуруқсой, Қуруққудуқ номлари сувнинг камлигидан дарак беради.

Шифобахш ва маъданли сувлар — Иссиқсув, Обигарм, Обираҳмат, Қўтирбулоқ, Минводи, Арашан.

Терс, Терсоқар номли сойлар бор. Булар асосий дарёнинг оқим йўналишига тескари, терс ҳолатда бўлганидан шундай ном олган.

Ҳатто катта-катта денгизлар ҳам хусусиятига кўра турлича номланган. Шуни айтсалар керак: «Ранг кўр — ҳол сўр», — деб. Масалан: Оқ денгиз — Европа қитъасининг шимолида жойлашган бўлиб, Шимолий муз океанидаги денгиз. Денгиз йил давомида икки юз кун оппоқ муз билан қопланган бўлади. Шунинг учун оқ денгиз деб аталган дейишади. Бироқ қадимий славянлар харитада унинг шимол томони оқ ва жануб томонини кўк ранг билан тасвирлаганини эътиборга олсак, оқ денгиз — «Шимолий денгиз» маъносини билдиради.

Сариқ денгиз — Осиё қитъасидаги Хитойнинг шарқидаги денгиз. Дарё оқизиб келтирган соғтупроқ, яъни лойқа сувнинг рангига нисбат тарзида аталган.

Ўлик денгиз — Ғарбий Осиёда жойлашган денгиз. Суви жуда шўр бўлганлигидан унда ҳаёт йўқ: шу сабабдан «ҳаётсиз», «жониворсиз» денгиз деб аталган.

Қора денгиз — Европа ва Осиё қитъалари чегарасидаги денгиз. Жанубий халқлар томонидан берилган бу ном «Суви қорамтир» деган маънони билдиради. Дастлабки форсча номи Ахоасна («қорамтир»): бу сўз грекчага — эвкисин, арабчага — асвод, русчага — черкос, туркчага — кара деб таржима қилинган. Бироқ қора сўзининг «шимол», «қоронғулик», «салқин» маънолари ҳам бор. Демак, уни «Шимолдаги денгиз» деб ҳам тушуниш мумкин.




**N11 (140) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**





*Бу — қизиқ*

**Географик харитага назар солсангиз, ер шарининг турли жойларида туз билан боғлиқ бўлган номларни кўп учратасиз. Булар туздай шарофатли неъматнинг номини абадийлаштириш учун одамзот томонидан барпо қилинган ёдгорликлардир.**

## ТУЗ НОМИ БИЛАН АТАЛГАН

Бу номлар асосан аҳоли яшайдиган жойларга қўйилган бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос тарихи ва афсоналари бор. Масалан Ҳиндистондаги Леванапутра шаҳри номининг мазмуни ўзбекчада «Туз шаҳри» деганидир. Франциянинг энг катта шаҳарларидан бири Марселни изоҳлайдиган бўлсак, унинг луғавий маъноси «Денгиз тузи» дея тушунилади. Америкадаги Солтвил шаҳри ҳам «Туз саройи» деган маънони англатади.

Россияда: Солигалч, Усольск, Соликамск, Сольвичегородск, Устьисольск каби бир нечта шаҳар ва қишлоқлар борки, булар қадим замонларда, туз кони атрофида барпо этилган. Германия ва Австралиядаги Зальцгиттер, Зальцзучек, Зальцбург шаҳарлари ҳам туз номида, чунки «зальц» — туз дегани. Марказий Осиёдаги: Тузкон, Шўртепа, Намаккан (Наманган) ва бошқа географик номларнинг маъноси ҳам ўз ўзидан маълум.

Душанба шаҳридаги Кўлиоб туманига бориладиган йўл ёқасида Хўжа Мўмин тоғи бор. У узоқдан улкан мақбаранинг юмалоқ гумбазига ўхшаб кўринади. Бу тоғни ерли аҳоли «Кўхи Намак», яъни «Туз тоғи» деб ҳам юритишади. Тепасига чиқиб, ҳар хил гиёҳлар билан қопланган, дарз кетган тошларга назар солсангиз, бу тоғнинг турган-битгани тош тузидан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу — ўн миллионлаб тонна бойлик деган сўз, Хўжа Мўмин тоғининг этакларида эса шўр сувли булоқлар отилиб ётибди.

*Билиб қўйган яхши*

### СЕВИМЛИ ГУЛ

Ҳар бир халқнинг ўз севимли гули бор. Ўзбек халқи атиргулни севса, японлар камелия гулини хуш кўрадилар. Бу нафис гул қишин-ёзин ям-яшил ўсимлик бўлиб, қиш фаслида гуллайди. Унинг қат-қат гуллари гоҳ пушти, гоҳ қизил рангда бўлади. У икки-уч ҳафтагача очилиб тураверади, қуриганда гул барглари билан бирга тушиб кетади. Камелия гули жуда нозик, бирор нарсага тегиб кетса, ранги тўқлашиб, ўз чиройини йўқотади. Камелия айниқса, Италия, Янги Зеландия, Япония ва АҚШда машҳурдир. Унинг 17 мингга яқин тури бор. Ҳар йили Японияда Камелия фестиваллари ўтказилиб турилади. Ҳатто «Камелияшуносларнинг халқаро жамияти» борлиги ва у ўз журналини чиқариб туриши бу гулнинг шуҳратидан далолат беради.

### ТАСБЕҲ — МУНЧОҚ

Тасбеҳ — мунчоқ Ўзбекистондаги нодир ўсимликлардан ҳисобланади. У Тошкент, Самарқанд вилоятларида маданий ҳолда кенг тарқалган. У асосан, иссиқ мамлакатларда ўсади. Бирма ва Япониянинг тоғли ерларида озиқ-овқат, Хитой ва Ҳиндистонда эса халқ табобатида дори тайёрлаш учун экилади. Осиё ва Шарқ мамлакатларида бу ўсимликдан тасбеҳ-мунчоқ ясашда фойдаланилади.

### ЖИЙДА

Баъзи ривоятларга кўра, бу ўсимлик қандайдир илоҳий сирга эга бўлиб, унинг тагидан ёлғиз ўтиш, дам олиш ёки ухлаш мумкин эмас, дейилади.

Дарҳақиқат, қийғос гуллаган, кун иссиқ ва шабода эсмаган вақтда жийда тагида узоқ вақт ўтириш ёки ухлаш кўнгилсиз ҳолларга олиб келиши мумкин. Бу ҳол жийданинг гул ва баргларидан чиқадиган эфир мойларининг кишилар асаб тизимига кучли таъсир қилиши натижасида рўй беради.

*Корхоналарда*

## ҲАММАСИ ҲИСОБГА ОЛИНГАН

**«Иргидромаш» корхонаси Бектемир туманининг Чирчиқ дарёси чап қирғоғида жойлашган энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан биридир. Бахтиёр Назаров бошчилигидаги бу корхонанинг умумий майдони 34 гектар бўлиб, ишчилар сони 384 кишини ташкил этади. Корхона асосан гидротехник, ностандарт ускуналар ва металлни қайта ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Унда бош цех, механика-йиғиш цехи, кислород-компрессор, автотранспорт, арматура цехлари ва АЁҚШ ва мой омборхонаси жойлашган.**

Охирги йилларда корхонада табиатни муҳофаза қилиш борасида бир қанча фойдали ишлар қилинди. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича жавобгар шахслар тайинланди. Улар бош муҳандис, цех бошлиқлари ва муҳандис экологлардан иборатдир. Корхона бўйича атмосферага чанг ва газларни чиқариш манбаларининг инвентаризацияси бажарилган бўлиб, ҳамма манбалар ҳисобга олинган. 40 манбаанинг 22 таси ташкиллаштирилган, яъни вентиляция ва аспирация тизимлари билан жиҳозланган. Корхонада 5 та чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган. Ускуналар соз ҳолда ишлатилмоқда ва уларнинг техник паспортлари ишлаб чиқилган. Улар шаҳар табиат қўмитасида рўйхатдан ўтказилган. Корхонада атмосферага чанг-газларни чиқариш меъёрий ҳужжати ҳам ишлаб чиқилган ва унда режалаштирилган экологик чора-тадбирлар белгиланган муддатида бажарилмоқда. Бу меъёрларнинг бажарилишини шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси лабораторияси мониторинг асосида назорат қилиб туради. Бундан ташқари корхона ушбу қўмитадан атмосферага бир йилда 15,3 тонна чанг-газлар чиқаришга рухсатнома олган. Ҳавога асосан қуйидаги зарарли моддалар чиқарилади: углерод оксиди; азот оксиди; углеводородлар; ноорганик чанг; пайвандлаш аэрозоли ва бўёқлаш аэрозоли. Корхонанинг АЁҚШ ва мой омборхонасидаги идишлар керакли клапанлар билан жиҳозланганлиги туфайли улардан ҳавога минимал миқдорда углеводородлар чиқади.

Корхона балансида 58 та автомобиль бор, уларнинг 37 таси карбюраторли, қолганига дизель ускуналари ўрнатилган. Гаражда автомобиллардан чиқаётган зарарли газларнинг меъёрини назорат қилиш асбоблари бор. Корхона 2002 йилги экологик ҳисоботларни тўғри тузган ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига топширган. Бу ерда тўпланаётган чиқиндиларни «Махсустранс» корхонаси шартнома асосида олиб чиқиб кетади. Куйган люминисцент лампалар тўпланиб, «СЭЛТА» корхонасига қайта ишлаб зарарсизлантириш учун топширилади. Корхонада хладонлар ва прекурсорлар ишлатилмайди. «Иргидромаш»да қозонхона йўқ, иссиқ сув ва буғ фойдаланиш учун «Водпромэнерго» корхонасидан олинади. Корхона экологик тўловларни ўз вақтида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тўлаб келмоқда.

Сув Чирчиқ дарёсидан ва «Водпромэнерго» корхонасидан шартнома асосида олинади. Сувни назорат қилиш жиҳозлари ўрнатилган ва назорат журналлари ёзиб борилади. Сув арматура цехида, компрессор цехида ва плазмотропда совутиш учун ишлатилади. Корхонада сувдан фойдаланиш тизими ўрнатилган. Корхона ҳудуди шаҳар канализация тармоғига уланган бўлиб, ҳамма оқава сувлар унга ташланади. «Иргидромаш» Чирчиқ дарёсини ҳимоя қилиш зонасида жойлашгани учун оқава ва ёмғир сувларининг ерга шимилиши ва дарёга ташланишига йўл қўйилмайди, ёмғир сувлари ҳам ариқлар ёрдамида тўпланиб, тиндиргичдан ўтгандан сўнг канализацияга ташланади.

Шу билан бирга корхонада экологик чора-тадбирларни бажаришда баъзи бир камчиликлар ҳам борлиги аниқланди.

— Автотранспорт цехида автомобиллардан чиқаётган зарарли газларнинг меъёрий миқдорини назорат қилиш йўлга қўйилмаган — бу камчилик учун корхона бош муҳандисига маъмурий жарима солинди.

— Корхона ҳудудида ичимлик сувидан хўжасизларча фойдаланиш аниқланди, яъни бир нечта вентиль бузилиб, сув оқиб ётгани аниқланди — бу камчилик учун корхона ремонт ва иншоотлардан фойдаланиш цехи бошлиғи маъмурий жаримага тортилди.

**Қ. ОРИПЖАНОВ,**
**И.ШАМСИМУҲАМЕДОВ**
**нозирлар.**

*Текширувлар*

## ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

**Табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, атроф-муҳит муҳофазаси қонунларига амал қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси эса айнан ана шу ишларнинг бажарилишини назорат қилиб турувчи ташкилотдир. Қўмитанинг давлат назоратчилари масъулиятни ҳис қилган ҳолда жойларда бўлишиб йўл қўйилган камчиликлар юзасидан текширувлар ўтказишади. Қуйида ана шундай текширувлар натижасида жаримага тортилган корхоналар номлари билан таништирамиз.**

● Ядро физикаси институти ҳудудида рухсатсиз дарахт кесилган. Бунга йўл қўйган институт раҳбари ўринбосари Н.Жумаев 16.000 сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

● Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтида яроқсиз люминисцент лампалар ўз вақтида зарарсизлантирилмаганлиги сабабли бош энергетик Ш.Алихўжаев 5500 сўм миқдорида жаримага тортилди.

● Чилонзор туманида жойлашган ХИЧК «СВА-Т» корхонасининг экологик экспертиза хулосасига эга бўлмаганлиги корхона раҳбари П.Свинниковга 6000 сўмлик жарима тўлаш билан якун топди.

● Яроқсиз люминисцент лампалар ўз вақтида зарарсизлантирилмагани учун Миробод «Махсустранс» корхонаси бошлиғи М.З.Иоффе 11000 сўм миқдорида жарима тўлади.

● Бектемир туманидаги ШХЖ «Қишлоқ мотор таъминот» корхонасида чархлаш дастгоҳи ЧГТУ билан жиҳозланмаганлиги аниқланди. Бу ўзбошимчалик бош муҳандис А.Содиқовга 11000 сўмга тушди.

● Юнусобод туман УЖМШ «Тозалик сари» корхонаси ҳудудида рухсатсиз кесилган дарахт учун унинг раиси О.Кучманов ҳисобига 16000 сўм миқдорида жарима ёзилди.

● Яроқсиз люминисцент лампалар зарарсизлантирилмаганлиги учун «Каноп» МЧЖ корхонасига 5440 сўм миқдорида жарима солинди.

● «Тошшаҳарйўлқурилиш-таъмир» трестининг 4-КТБ (РСУ) корхонаси чиқиндиларни Салор каналининг белгиланмаган ерига ташлаганлиги учун иш юритувчи С.Умирзоқовдан 5500 сўм жарима ундирилди.

— «Давр-хизмат» корхонаси ҳудудидаги маиший чиқиндилар ўз вақтида утиллаштирилмаганлиги бошлиқ С.Г.Бурходжаев ҳисобига 11000 сўм жарима ёзиш билан якун топди.

● Чилонзор туманидаги «Ўзбекфильм» корхонасида яроқсиз люминисцент лампалар зарарсизлантирилмаганлиги бош энергетик А.А.Барановскийга 6000 сўм қимматга тушди.

**Г.НАЗАРОВА,**
**бўлим бошлиғи.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Қалби пок ота — пок авлод асосчисидир.

● Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқоннинг ўз ерига ишлов бергани кабидир. Ерга қанча кўп ишлов берилса — ҳосил шунча кўп бўлади.

● Илму-тавозе камтарлик билан вужудга келади.

● Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шуҳрат келтиради.

● Яхши либос ҳуснни оширса ҳам, ақлга зийнат бермайди.

● Ҳаёт: доно, иродали ва кучли кишиларга жаннат; худбин, қўрқоқ ва умидсиз кишига жаҳаннамдир.

● Бир донишманд дебди:

— Сопол жомнинг бутунлиги чертиб билинганидек, одамга ҳам гапирган гапига қараб баҳо берилади.

● Ҳаёт дарсини ўқиб, олим бўлганда ҳам, яна бошқа билмаганларини сўраб ўрганиш донишмандлик белгисидир. Бу хусусда бир олим шундай деган экан:

— Менинг билимим мукаммал эмас, чунки ўз вақтида ўзимдан бир поғона паст одамларга савол беришга бўйним ёр бермади. Эндиликда истардимки, менинг шогирдларим барча ноаниқ масалалар бўйича ўзларидан бир поғона паст одамларга мурожаат этишни айб деб билишмасин. Уларнинг билимлари ўшандагина мукаммал бўлади.

Байт:

**Кимки ўрганишни уят —**
**ор демас,**
**Сувдан дур топади,**
**тошдан лаъл олмос.**

● Алишер Навоий айтади:

— Тилинг билан кўнглингни бир тут, кўнгли билан тили бир киши айтган сўзла бут.

ҲИКОЯТ. Луқмони Ҳакимни бир киши даргоҳида хизмат қилдирар ва ундаги илму ҳикматни гоҳи-гоҳида синаб кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрибди:

— Аё Луқмон, менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — дебди Луқмон ва қўйни сўйиб тили билан юрагини ҳожасига келтириб берибди.

Анча муддат ўтгандан кейин, ҳожа уни яна чақириб дебди:

— Аё Луқмон, бир қўйни сўйгин-да, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келибди. Ҳожа дебди:

— Бу нечук асрорки қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил билан юракни кўтариб келдинг?

Луқмон дебди:

— Аё хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил билан юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

Байт:

**Бу оламда кишиким**
**пок қалбу соф ботиндир,**
**Ҳамиша фикр кунжида**
**қаноат бирла сокиндир.**

● Беш хислат кишини ҳар ерда азиз сақлаб, унинг дўстини кўпайтиради: ёвузликдан қўл тортса, яхшиликни шиор қилса, туҳмат қилишдан этак силкитса, хушхулқ, суҳбат одобига риоя этса.

*Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун*

*МИРМУҲСИН,*
*ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ*

# ҚАЛБАН БУЮКЛИК

## (Қатралар, манзумалар)

**Меҳнату садоқат ила топилган шон-шуҳрат боқийдир, аммо у бор ерда ҳасад ҳам бор, ҳасаддан форуғ ҳар бир юрак Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик ва Соҳибқирон Амир Темурлар қалбидек буюк, жасоратли, садоқатли ва ғоятда покизадир. Мамлакатимиз юксалишидан фахр этолмаган эркак кимга керак!**

### МАЪНАВИЯТ БОҒИ

Мозийда Турон подшоҳи Собуқ-тегин ўз фарзанди валиаҳд шаҳзодадан сўрабди:

— Эй, фарзандим, тахтга ўтирганингизда нимадан иш бошлайсиз?

— Қиблагоҳим,—дебди шаҳзода,— мен тахтга ўтиргач, аввал «Боғи эрам» каби бир улкан боғ бунёд этгумдир. . .

— Давлатли, қудратли, пулдор, мансабдор инсонлар боғ яратишга қодир, — дебди кексайиб қолган подшоҳ,— аммо сиз, илм-маърифат, адабиёту маънавият боғини бунёд этинг, у инсонларга руҳий манфаат етказади, қоронғуликда қолганларни ёруғликка олиб чиқади. Бундай боғ ҳамма замонда ҳам зарур, у абадийдир. Мен талотумлар гирдобида бу ишга кўп эътибор беролмадим.

### «ҚОРА ЎПҚОН»

Фалакиёт фани, мелодий ҳисоб билан ўн бешинчи асрга келиб ғоятда юксалди, кучли телескоплар, Улуғбеку Галилейлар, Сингхлар каби мунажжимлар дунёга келди. Коинот ўрганилмоқда. Юксалиш, кучли телескоплар коинотдаги «Қора ўпқонлар» борлигини топди. Бу бало гигант ёруғ юлдузларни комига тортиб, ютиб юборишини ҳам аниқлади...

Эй, Аллоҳим, сен инсонга берган заковат туфайли кучли телескопларни яратган инсоният фалакдаги «қора ўпқон»ни Ер юзидаги қора терроризмни йўқотишга қодир этгил! Нью-Йорк, Тошкент, Саудия Арабистони, Москва, Жакартада... портлаган уйлар, бегуноҳ инсонларнинг ҳалокати террорчи дўзаҳий жаллодларнинг ёқасидан тутгай, тараққиёт жаҳолатни йўқотажагига иймон келтираман!

### ХАЛҚ ҲУКМИГА ҲАВОЛА

Пулдор ҳамшаҳарларим бир нечта квартиралар сотиб олиб, кўп қаватли гўзал, янги биноларнинг ички деворларини олиб ташлаб, хоналар қўшилиб, меъморий ижодий-илмий бунёдкорлик ишлари бузилиб, «таъмирланмоқда».

Кўп жойларда бузилиб бўлди ҳам. Укаларим ўз уйларини кўнгилларига мос этиб, ушлаб турган қудратли деворларни кувалда (ботмон дахсар) билан уриб бузиб, бошқа уйларни дарз кеткизмоқдалар. Муҳандисий ҳисоб-китоб, илмий мувозанатлар бузилмоқда. Баъзи кўп қаватли уйларнинг сирти бошқача, ичи бошқача бўлиб қолди. Бундоқ қаралса баъзи турар жой биноларни «қуртлаган олмага» ўхшатиш мумкин. Бизнинг заминимиз сейсмик харитага киради, зилзилалар бўлиб туради. Ваҳима қилаётганим йўқ, аммо муҳандислар ишини бузаётганликлари мутлақо яхши бўлмаётир! Биноларнинг «қовурғалари»ни синдирганликлари, бу ҳақиқат! Агар ногаҳоний ер силкиниши бўлиб, фожеа юз берса авлодимга шикаст етса, айтинглар, биз кимнинг ёқасидан ушлаймиз?!

### ЧАШНАГИР

Чой узатган киши биринчи пиёлани ўзи ичади, бу халқ таомили. Неча минг йиллар аввал заминимиздаги Кушан давлатининг шаҳаншоҳи Канишка буйруғи билан қонунлаштирилган экан. Соҳибқирон Амир Темур ҳам чашнагирликни кенг йўлга қўйган. Шу боис Турон замин ҳукмдорлари саркардалари, умуман фуқаро бир қадар тинч бўлган. Катта зиёфату базмларда таомнинг биринчи луқмасини чашнагир тановул этмоғи шарт!

Адиблар халқимизнинг чашнагирларидирки, душман ўқига кўксини тутиб, халқ бахти, омонлиги йўлида қурбон бўлган Чўлпон, Қодирий, Усмон, Элбек, Таваллo шундай чашнагир инсонлардир, улар миллий ғурурини, она тилимиз сururини сақлаб қолган қаҳрамонлардир!

### ТЎРТ УНСУР

Мутафаккир ота-боболаримиз тўрт унсурга ғоятда эътибор берганлар, илм-фаннинг асоси шу деб билганлар. Бу унсурлар: тупроқ, сув, ҳаво ва оловдир. Ал-Беруний ва Менделеев жадваллари ўз йўлига, аммо дунёни дунё қилиб турган, боғу роғлар бунёд этган, баъзан дунёни титратиб, фожиаларга сабабчи бўлаётган мана шу тўрт унсурдир!

Азиз укажонларим, гарчи мураккаб компьютерлар ёнида хизмат қилаётган протонлар, атомлар устида тадқиқотлар ўтказаётган бўлсангиз-да, қилни қирқ ёраётган бўлсангизда ўтмиш алломаларининг тўрт унсурига эътибор беринг, нописанд бўлманг. Буюк Хоразмийнинг «Ал-Жабри» ҳам ўн рақамидан бошланган.

### ТУГАНМАС БОЙЛИК

Мутафаккир адибу олим бўлмасин ёки оддий заҳматкаш фуқаро бўлмасин, ҳар бир қария ва кекса момонинг дунёдан ўтиши — юз йиллик тарих саҳифаларининг ёпилиши билан баробар. Агар у мўътабар зотлар барча кўргán-кечирганларини, заковатини ёруғ дунёда қолдира олганида бизнинг тарихимиз мисли кўрилмаган даражада бой бўлур эди.

Минг афсус, баъзан бойликларимизнинг катта қисми тупроққа кетиб қолмоқда. «Туфроққа бермам кимёний...» деган ҳазрат Навоийнинг ҳам қўлларидан келмади бу иш. Ширин-шакар ўрик бўладиган баҳорий довуччалар ҳам керак, космонавтлар яхши кўрадиган Бешқора майизидек неъматлар ҳам керак. Улар видолашмоқ арафасидаги кексалардир, уларни асраб-авайлайлик, туганмас бойликни — билимни олиб қолайлик.

### МАЖРУҲЛИК

Ҳиравий деган бир шоир Шайбонийхон даврида яшаб, тинмай норозилик билан нола қилавериб, давлатга қарши сўзлар айтгани учун қирқ дарра еб, яримжон бўлиб қолган экан. Худо умр бериб у подшоҳ Абу Саид Мирзо даврига ҳам етиб келибди.

Яна ўша қилиғини қилиб норозиликни авжига миндирибди. Подшоҳни ҳақоратлашгача борибди. Мансабдорлар уни ўлдиришмабдию мамлакатдан ҳайдаб чиқаришибди. Абу Саид Мирзо ҳам дунёдан ўтиб, тахту тож Ҳусайн Бойқарога етгач, кексайиб қолган Ҳиравий Мир Алишер Навоий кўмаги билан она шаҳри Ҳиротга қайтиб келиб, ғазаллар ёзиб, умр гузаронлик қилибди. Яна у замондан шикоят, сиёсатдан нолиб, фуқаро орасида бузғунчилик ишлари қила бошлайди. Бу ишлар охир-оқибат подшоҳга етиб бориб, уни саройга чорлаб, Ҳусайн Мирзо ундан сўрабди:

— Жаноб, сиз Шайбонийхон даврида замондан шикоят қилиб, подшоҳни ҳақорат қилишгача бордингиз, Абу Саид Мирзо даврида авомни подшоҳга қарши қўйдингиз. Бизнинг даврга келиб яна шикоят, норозилик, авомни ҳукуматга қарши қўймоқдасиз. Мана, юзлаб далилу исбот. Бунинг боиси нима?

— Э, Мирзо, бу ишлар менинг қонимда. Мен шундай мажруҳ туғилганман, — деган экан шоир Ҳиравий.

### НОЁБЛИК

Ноёблик қадрланади. Тез-тез ўзини таманно этадиган баъзи санъаткорлар эл эътиборидан қолади, бу аниқ. Наҳотки буни истеъдодли санъаткорларимиз билмасалар! Ҳатто мулла Тўйчи Ҳофиздек буюк ва севикли, ҳеч тенги йўқ санъаткоримизнинг овозини ҳам соғинтириб бермоқ лозим, деб ҳисоблайман.

Ноёблик ҳамма вақт зарур!

### ХОРИЖГА САФАР

Бир укамиз, филология фанлари номзодининг океан ортига сафар қилаётганини эшитиб ғоятда хурсанд бўлдик. Ҳа, юрган дарё, ўтирган бўйра... Ўзбекистонлик кимё ва қишлоқ хўжалик соҳасидаги қанчалар олиму олималар наинки Америка Қўшма Штати, бошқа мамлакатларга ҳам бориб, у ердаги олимлар билан ҳамкорлик қилаётганига шоҳидмиз.

Академик Ҳабиб Абдуллаев ихтиролари Лотин Америкасида ҳам машҳур. Академиклар Қори-Ниёзий, Яҳё Ғуломов, Иброҳим Мўминов, Ёлқин Тўрақулов, халқ шоири устод Ғафур Ғуломни кўп мамлакатларда яхши биладилар.

Минг афсус, ўша ёш укамиз фан номзоди хорижга илм йўли билан эмас, пул ишлаш учун кетяпти. Сомса пишириб сотармиш... Фаррошлик қилармиш... Э, тавба! ! !

### ХУДБИННИНГ КЎЗИ КЎР

Катта кўча қолиб, шундоқ эшигининг тагигача машинаси билан келадиган Танқайганов ўн йил кўрмаган, вилоятнинг узоқ туманидан келиб уни катта кўчада кутиб ўтирган ўз амакисини кўрмай ўтиб кетди. Хотини эса чўпон либосидаги амакини танимай уйга киритмагани етмагандай!

Танқайгановга ўхшаган табақалар пайдо бўлмоқда-ки, бу худбинликнинг олди олинмаса жамият бузилади. Худбин кимсаларнинг ақлини киритиб қўядиган вақт етмадими? Худбин билан гаплашмоққа йўл қўймайдиган, қабулхонадаги баъзи котибаларнинг ҳам таноби тортилса яхши бўларди!

### ПОКДОМОН КИШИ

Ҳар қандай ёмонликлардан ўзини тортиб, умргузаронлик қилган бир покдомон одамнинг қазоси етиб, тупроққа борганда Мункарнакир сўроқ қилибди:

— Гуноҳларингни айт, эй банда!?

— Умримда ҳеч гуноҳ қилмаганман... ёмонликлардан четда юрганман... Мен покдомон кишиман... — дебди у.

Шунда бир чумоли пайдо бўлиб, арз қилибди:

— Болаларимга дон олиб кетаётганимда йўлда шу инсон мени босиб, мажақлаб ўлдирди!

— Босиб ўлдирган бўлсам кўрмаганман, билмаганман, гуноҳимни бўйнимга оламан, — дебди покдомон киши йиғлаб.

Гуноҳини бўйнига олган инсонни ўз гурзиси билан уриб, мажақлашдан Мункарнакир ўзини тийибди, лекин тирикликда ҳушёр бўлмоқни, инсонларга, жонзодларга зиён етказмасликни таъкидлабди, маҳшар куни жавоб бермоқ муқаррар эканини эслатибди.

*Биласизми?*

## ХИЗМАТИГА ЯРАША МУКОФОТ

Петр Капица Англиянинг Кембриж университетининг жаҳонда ягона физика лабораториясининг қурилиши ташаббускори ва бу лабораторияда 1930-34 йиллари директор эди. Дарвоқе, Капица шу лабораторияни қурдирган ядро физикасининг асосчиси, машҳур физик олим Эрнест Резерфорднинг ўринбосари ҳам эди. Капица Москвага физика муаммолари институтини бошқаришга қайтгандан кейин, унинг дўсти 200 минг фунт стерлинг турадиган лабораторияни Капицага ҳадя қилиб, Москвага олиб кетишга рухсат берди (Ўша пайтда 1 фунт стерлингга 5 та қўй берган). Шунда Резерфорд Капицага қараб, «Бу машиналар Капицасиз ишламайди, Капица эса буларсиз», деди. Шу ноёб машиналар туфайли ядро физикаси, ҳамда паст ҳароратли тадқиқотлар учун замин яратилди ва бу ишлар бўйича Нобель мукофотини олганлардан бири ҳам Капица бўлди.

## ИҚТИДОРНИНГ БУЮК ҚИЙМАТИ

Жаҳонга машҳур физик олим, Нобель мукофотининг совриндори Альберт Энштейн олдига 1939 йилда Испания республикачиларига ёрдам тариқасида ихтиёрий маблағ йиғувчи келиб: «Сизнинг фамилиянгиз тўғрисига неча долларлик ёрдам пули ёзиб қўяй», дея сўради. Эйнштейн эса чўнтагини қараб атиги 5-6 доллари борлигини айтади. Бироқ у пул йиғувчига ўзининг янги асари қўлёзмасини ҳадя қилади ва «сиз бу асарни сотинг, мен эса чекига қўл қўйиб бераман», дейди. Буни қарангки, мазкур асарни АҚШ конгресси икки миллион долларга баҳолади ва пул йиғувчи пулларнинг барисини олиб кетди. Қизиғи шундаки, Эйнштейн унга ўзининг машҳур «Нисбийлик назарияси» асарининг қўлёзмасини берган эди.

## МИЛЛИОНЕРЛИКДАН ВОЗ КЕЧДИ

Машҳур олим, атоқли хирург Бернард жаҳонда биринчи бўлиб Кейптаун шаҳрида хастанинг ишдан чиққан юраги ўрнига донор юрагини кўчириб ўтказганлиги билан тарихда қолган инсон эди. Унинг бу оламшумул операцияси жараёнини ойнаи жаҳонда кўрсатиш учун телевидение ходимлари Бернардга 1,5 миллион доллар бермоқчи бўлганларида у бу шартга кўнмаган эди. Шу тариқа дастлабки муваффақиятли юрак операцияси тасмага муҳрланмай қолди.

*Мозий*

# МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР

**Тошкент! Қанчалаб шеъру қўшиқлар, беҳисоб умрлар бахшида унга. Шаҳримиз қандай кўринишда — байрамонами, ё оддий, хоҳ баҳор гулларига буркангану, хоҳ қишнинг кумуш пардасига ўралган бўлмасин, бирдек мафтункор. Унинг тонги ҳам, оқшоми ҳам гўзал.**

У бундан юз йил, минг йил аввал ҳам шундай мафтункор эди. Гар шундай бўлмаса Чўлпону Фитратлар, Қодирию Авлонийлар у учун жон фидо этармидилар, қадимий битикларда у ҳақда шунчалар тавсифлар битилармиди?

Ҳа, Ватанимиз пойтахтини қанчалик таърифласак оз. Аммо бу таърифни архивлардаги ноёб маълумотлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу даргоҳда кўз қорачиғидек сақланаётган миллионлаб ҳужжатлар бизларни ҳар куни мозий сари етаклайди гўё.

Тошкент ҳақидаги энг қадимий битиклар XI асрнинг буюк олими Абу Райҳон Беруний ёзмаларида учрайди. Ўша даврда уни «Тош шаҳри» дея номлашган. Араблар уни «Шаш» деб атаганлар. Хитой тарихий битикларида — Чже-Чжи, Чже-си, Чже-ши ёки шунчаки «Ши» деб кўрсатилган. Халқ оғзаки ижодида шаҳримиз номини Тош исмли афсонавий қаҳрамон билан боғлайдилар. Гўё унинг номи билан Тошнинг шаҳри — Тошкент бўлиб номланган.

Ушбу битиклар архивимизда сақланаётган «Қадимги Тошкент ва унинг архитектура ёдгорликлари» номли йиғма жилддан келтирилди.

«Мустаҳкам 12 дарвозаси орқали кириладиган баланд тахта деворлар билан ўралган шаҳар. Тор ва чалкаш лабиринтсифат кўчалар, кулранг-сарғиш пахсалар урилган пастқам деворлар билан ўралган, кириш учун ингичка йўлаклар билан кифояланган уйлар. Атрофда масжид ва мадрасалар, меҳнаткаш, камтарин инсонлар!..»

Ҳа, ҳақиқий камтарин инсонлар. Кийишга бир эски чопони ейишга бир бурда нони бўлгани учун ҳам яратганга шукур қилгувчи, ҳозиргидек ҳашаматли уйлару, қимматбаҳо кийимлар тушига ҳам кирмаган инсонлар. Ҳозир бизнинг тасаввуримизда улар моддий жиҳатдан қашшоқ бўлсаларда, маънавий етук инсонлар эдилар. Бизларга яқин-яқинларгача уқтириб келинган саводсиз халқ эмас! Берунию Ибн Синоларига, Улуғбеку Ҳазрат Навоий, Бобурларига эга тенгсиз халқ эди у.

Ватан остонадан бошланади, деганларидек улар нафақат кўчакўйда, аввало оилаларида, маҳаллаларида камтарин, оқибатли эдилар. Балки шунинг учундир маҳаллаларда қўни-қўшнилар бир-бирлардан охирги нонларини ҳам аямаганлар, уй қурсалар ҳозиргидек фалон харажат эвазига эмас, беғараз ҳашарлар билан бунёд этганлар. Балки шунинг учундир «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал», «Бир болага етти қўшни ота-она» деган доно халқ мақоллари айтилгандир. Йиллар оша мана шу ажойиб қадриятларни унутиб қўяёздик. 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинганидан сўнг, неча-неча йиллаб ўз ечимини кутиб ётган муаммолар ушбу йилнинг шарофати билан ўз ечимини топаётгани сир эмас-ку. Бунинг учун ўтаётган йилимизга шундай ном берган Юртбошимизга минг бор ташаккур. Келаси йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши ўтаётган йилимизнинг мантиқий давоми гўё. Шоядки, боболаримиздан мерос бўлган меҳр-оқибат, ҳамдардлигу ҳамжиҳатлик хислатлари ўз ўрнига қайтса...

2003 йил айрим уйқуда ётган оқсоқолларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, савобли қайноқ ҳаёт сари етаклаган бўлса, умид қиламизки, 2004 йилда молу дунё, ҳашамату кибр-ҳаво отига минган, ўзининг бу фоний дунёда бир меҳмон эканлигини, инсоннинг орқасидан фақатгина оқибатли ўғил-қизлару ёру биродарларига кўрсатган меҳр-оқибатидан бўлак ҳеч нарса қолдириб бўлмаслигини айрим инсонлар англаб етса, азизлар!

**Лола ОРИФЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви «Ҳужжатларни эълон қилиш» бўлими мудири.**

# «ҚАДИМИЙ ТОШКЕНТ» АРХЕОЛОГИК КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Фанлар академиясида «Қадимий Тошкент» археологик кўргазмаси очилди.**

— «Қадимий Тошкент» археология кўргазмаси Ўрта Осиёдаги қадимги тарихий-маданий ўлкалардан бири Тошкент воҳаси, унинг маркази Тошкент шаҳрида олиб борилган илмий ишларнинг натижаларини ўзида мужассам этган, — деди кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, академик Беҳзод Йўлдошев. — Тошкент воҳасида ибтидоий одам манзилгоҳлари, қоятош суратлари, қадимий конлар, шаҳар ва қишлоқлар, турли тарихий даврларга оид қабристонлардан иборат мингдан ортиқ археологик обидалар қайд этилган. Кўргазмадан айнан уларнинг намуналари жой олган.

— Кўргазманинг биринчи бўлими «Тошкент воҳаси тош даврида» деб аталади, — деди археолог олим Шокир Пидаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унда Чотқол-Қурама тоғларини ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилиши тарихи ўз ифодасини топган. Жез ва илк темир даврларига оид бўлимда эса чорвадорлар маданиятига мансуб топилмалар ўрин олган. Тошкент шаҳри ҳудудида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларга алоҳида ўрин ажратилган. Шаҳар тарихининг қадимги негизи, ёзма манбалар йўқлиги сабабли ёдгорликларни археологик ўрганиш асосида аниқланмоқда. Шоштепа, Мингўрик, Юнусобод Оқтепаси, Бинкат ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Ш.Пидаевнинг таъкидлашича, қазиш ишлари давомида топилган уй-рўзғор буюмлари, одамлар суратлари, турли тангалар кўргазмадан кенг ўрин олди. Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи йўналишида жойлашуви воҳани тез суръатларда қайта тикланишига ва гуллаб-яшнашига олиб келди. IX асрнинг бошларида шаҳар Мингўрикдан 8 километр шимолий-ғарбда тикланган. Араб манбаларида у Бинкат номи билан қайд этилган. XV-XVI асрларда Тошкент яна қайта тикланди. Шаҳар Темурийларнинг дашт кўчманчиларига қарши курашида асосий таянч марказига айланди. Бу ерда масжидлар, мадрасалар, улуғ сиймоларнинг мақбаралари, ҳаммомлар қурилди. Буларнинг бари XV—XVI асрга хос бўлган Бухоро-Тошкент меъморчилик мактабини ифода этади. Мазкур кўргазма қадимий Тошкент ҳақида кенг тасаввур беради.

**«Туркистон-пресс**



Қиш сурури.

**Ҳакимжон Солиҳов фотоэтюди.**

## ТЕАТРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

**Янги йил байрами болакайлар учун айниқса қувончли кунларга айланади. Уларни хушнуд қилиш учун санъаткорлар ҳам тайёргарлик кўриб қўйишди.**

Тошкент мусиқали комедия (оперетта) театри ҳам ёш томошабинларга атаб янги постановкани ҳозирлади. «Қаҳри қаттиқ шоҳнинг Янги йил «сир»лари» деб номланган бу қувноқ спектакль арча байрамига келганларни хушнуд этиши турган гап.

Театр ўзининг ўттизинчи ижодий мавсуми давомида бу каби қизиқарли спектакллардан яна бир нечтасини кўрсатади.

«Ханума» деган навбатдаги постановка ҳам шу яқин орада мухлислар эътиборига ҳавола қилинади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Спорт*

## ИККИНЧИ УРИНИШ ЗОЕ КЕТМАСМИКАН?

Маълумки, Осиё футбол конфедерацияси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши футболчиси» танловида қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Украинанинг «Динамо» клуби моҳир ҳужумчиси Максим Шацкихга Осиёнинг биринчи рақамли футболчи бўлиш насиб этмаганди. Эндиликда ҳамюртимиз Украинада ўтадиган худди шу номдаги танловда яна омадини синаб кўради. Украина нашрларидан бири «Спорт Украин» газетаси сўровига кўра айни дамда мазкур юртнинг биринчи рақамли чарм тўп устаси бўлишга Киевнинг «Динамо» клуби аъзолари Шацких, Белкевич ҳамда Украина терма жамоаси футболчиси Воронинлар даъвогарлик қилишмоқда.

Ушбу танловда ҳамюртимизга омад тилаймиз.

## НОМЗОДЛАР СИНОВДАН ЎТИШДИ

Словенияда ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда Словения, Хорватия, АҚШ каби каратэ спорти анча ривожланган 20 та давлатлар спортчилари қатори ўзбекистонликлар ҳам омадларини синаб кўришди. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари каратэ мактабларида ушбу спорт тури жадал ривожланаётганлигини ҳисобга олган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Республика каратэ миллий федерацияси терма жамоага номзодларни номлари юқорида келтирилган вилоятлар мактабларидан танлади. Шуниси қувончлики, янгидан шаклланган терма жамоамиз аъзолари рақибларига қарши муросасиз кураш олиб боришди. Натижа чакки бўлмади. Олти юз нафар каратэчи қатнашган ушбу нуфузли мусобақада терма жамоамиз иккита кумуш ва учта бронза медалларини қўлга киритди. Янги номзодларнинг халқаро турнирда илк бор қатнашиб ана шундай юқори натижаларни қўлга киритганликлари уларнинг келгуси мусобақаларда янада юқори ўринларни эгаллашларига яққол далилдир.

## БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Италияда ҳарбийлар ўртасида бокс бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионати ўзбек бокси юксалиш палласида эканлигини яна бир карра исботлади. Мазкур чемпионатни кузатган ишқибозлар ўзбекистонлик боксчиларнинг маҳоратларига тан беришди. Шуниси қувончлики, 28 та давлатдан ташриф буюрган боксчилар орасида ўзбекистонликлар муваффақиятли қатнашиб умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Тўққиз нафар боксчимизнинг ҳар бири совринли ўринларни қўлга киритганлиги таҳсинга сазовордир. Ҳамюртларимиз 2 та олтин, 1 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритишди. Терма жамоамиз аъзоларидан Дилшод Маҳмудов ва Шерзод Ҳусановларга жаҳон биринчилигининг олтин медаллари насиб этган бўлса, Шерзод Абдураҳмонов бронза медалини қўлга киритди. Дарвоқе, ўз маҳорати билан мутахассислару мухлисларда катта таассурот қолдирган Дилшод Маҳмудов жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси деб топилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти касаба уюшмасининг Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан берилган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

### 22—28 декабрда

**Бугун** — Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Дев билан пакана» комедия фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да намойиш этилади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Сирожиддинов асари «Осмоннинг бағри кенг» спектакли соат 18.00 да бошланади.

**23 декабрда:**

● Халқлар дўстлиги саройида «Қаҳқаҳа» ижодкорларининг байрам томошаси соат 19.00 да намойиш этилади.

● Тошкент Давлат циркида 23, 24, 25 декабрь кунлари эл севган хонандалар иштирокидаги концерт соат 18.00 да бошланади.

**24 декабрда:**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида А.Кассоне асари «Етти фарёд» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

● Ўзбекистон Ёшлари театрида «Золушка» спектакль премьераси соат 10.00, 12.00, 14.00 да бошланади.

**25 декабрда:**

● Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида С.Аксаков асари «Алвон гул» спектакли соат 12.00, 14.00 да намойиш этилади.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида 24-31 декабрь кунлари Янги йил томошалари соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00 да бошланади.

**26 декабрда:**

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Р.Алиев ва Ш.Аҳмедов асари «Сеҳрли бошоқ» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

● Гагарин номли кинотеатрда «Дев билан пакана» комедия фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да бошланади.

**27 декабрда:**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида таниқли қизиқчилар ва «Обид А» театри ижодкорларининг Янги йил байрам томошалари ҳар куни соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да намойиш қилинади.

● Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида Янги йил томошалари соат 10.00, 12.00 да бошланади.

**28 декабрда:**

● Республика қўғирчоқ театрида «Ғаройиб пақилдоқ» спектакли соат 10.00, 12.00 да бошланади.

● Тошкент Давлат мусиқали комедия (Оперетта) театрида Янги йил томошалари ва мусиқали эртак соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да намойиш қилинади.

## ҚАҲҚАҲА

Театр директори муаллифга деди:

— Агар қарши бўлмасангиз иккинчи пардадаги ўғирлик саҳнасини олиб ташласак.

— Нега энди, ахир энг ишонарли, ҳаётий чиққан саҳна-ку, — дея эътироз билдирди муаллиф.

— Тўғрику-я, лекин ҳар томошадан кейин театрда бирон нима йўқоляпти-да.

* * *

Спектаклнинг иккинчи пардаси бошланишидан олдин режиссёр ёрдамчиси саҳнага чиқиб томошабинларга деди:

— Биринчи парда сўнгида жанг саҳнасида шоҳ ролининг ижрочиси декорациядан йиқилиб кетиб, жароҳат олганлиги сабабли иккинчи пардада шоҳ ролини бошқа артист ижро этади.

* * *

Режиссёр жаҳл билан деди:

— Гадони ўйнагансиз, саҳнада нима учун тилла узук, бир шода марварид билан юрибсиз? Ким ишонади сизнинг бир бурда нонга зорлигингизга?!

— Синглимнинг никоҳидан келаётгандим, узр, шошиб қолиб саҳнага чиқиб кетаверибман.

* * *

Ёш актриса режиссёрга деди:

— Мени унаштиришганди, уйдагилар қизимиз актриса дейишган экан, қуда томондагилар театрга келишмоқчи бўлишибди. Рухсат берсангиз бугун мен хизматкорни эмас, маликани ўйнасам, ҳаётим ҳал бўлаяпти.

* * *

Маданият саройи маъмури директорга деди:

— Ўзимизнинг вилоят театри ҳам, қўшни вилоят театри ҳам бирданига «Уч мушкитёр» спектаклини олиб келишибди, энди нима қиламиз-а?

— Иккала вилоят театрларининг мушкитёрларини майдонда синаб кўринглар, қайси томон ғалаба қилса, ўшаларнинг спектаклини кўрсатамиз.



Сўзсиз сурат.
**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
M.B.M

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !**

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ШАҲРИМИЗ БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

**Биржа савдоларида:**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, **«Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ** ҳудудида янги қуриладиган турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3х3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўкони қуриш ҳуқуқи,

Бошланғич баҳоси — 2000000 сўм.

- майдони 36 квадрат метр (6х6) бўлган қурилиш моллари дўкони қуриш ҳуқуқи,

Бошланғич баҳоси — 3 500000 сўм.

- майдони 1,5 квадрат метр (1х1,5) бўлган лак-бўёқ дўкони қуриш ҳуқуқи,

Бошланғич баҳоси — 2 000000 сўм.

- майдони 48 квадрат метр (6х8) бўлган ошхона қуриш ҳуқуқи,

Бошланғич баҳоси — 5 000000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, **«Avtomakon» СЯМ ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори)** ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар,

Ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм.

**Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.;**
**www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45

Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».





**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3557 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-107. 1 3456